Тошкент ҳақиқати

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 123 (10.372).

1992 йил
25 август
сешанба

Баҳоси 2 сўм.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ҲАР ЙИЛИ 1 СЕНТЯБРДА «МУСТАҚИЛЛИК КУНИ»НИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Давлатимиз тарихида янги саҳифа очган Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик куни байрам қилиниши муносабати билан ва унинг ёшларни маънавий камол топтиришда жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга эканини назарда тутиб, ўқув юртлари жамоаларининг истакларини ҳисобга олиб:

1. Ҳар йили 1 сентябрда барча мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида «Мустақиллик куни» мавзуида махсус машғулотлар, дарслар, маърузалар, тантанали йиғилишлар ва учрашувлар ўтказилсин.

2. Қарамоғида ўқув юртлари бўлган вазирликлар ва идоралар, ҳокимликлар:

— турли шакллардаги, ижодий изланиш ва байрам вазияти руҳидаги машғулотлар ва тадбирларни ўтказишга онд зарур ташкилий чораларни кўрсинлар;

— Ўзбекистон ҳаётининг барча соҳаларида рўй бераётган туб ўзгаришлардан ўқувчилар ва талабалар кенг ҳабардор қилинишини таъминлансинлар, унинг эркин ва демократик ривожланиш истиқболларини очиб бериб, ёшларни юксак ватанпарварлик ва Ватанга садоқат руҳида тарбияласинлар;

— ўқув юртларида мустақиллик кунини байрам қилишда ёшларнинг ижодий қобилиятларини очишга кўмаклашувчи ҳамда бир хиллик ва расмиятчиликни истисно этувчи турли таклифлар, ижодий беллашувлар, оммавий спорт мусобақалари, кўриклар, бадиий жамоаларнинг томошалари ва бошқа тадбирлар ўтказсинлар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ўқув юртларида мустақиллик кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чоғида республика оқсоқоллари, депутатлар, фан, маданият ва санъат арбобларини, ижодий ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакилларини, корхоналар ва муассасаларнинг раҳбарларини қатнашишга кенг жалб этсинлар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 22 август.

ҲУКУМАТ ИШЛАБ ДАМ ОЛАДИ

ТАШКИЛИЙ КОМИТЕТ МАЖЛИСИ

Мамлакатимиз аҳли қандай тантаналарнинг шоҳиди бўлмаган. Аммо юртимизда бирор байрамга бунчалик тер тўкиб тайёргарлик кўрилмаган. Чамаси, пойтахтнинг мустақиллик майдонида кечажак тантаналарни ўтказиш ташкилий комитети мажлисида иштирок этганларнинг аксари буни ҳозирданоқ тан олди. Эрта-индин бунга сиз ҳам иқрор бўласиз.

Мажлисда бирор нарса эътибордан четда қолмади. Дейлик, жойларда эски тузумни шарафловчи ҳайкал, шиор ва белгилардан соқит бўлиш муаммосидан, сотувчи хонимларнинг иш либоси (ажойиб хонатлас, оқ қалпоқ) Андозасигача, маҳалла-куйлардаги озодаликдан пойтахтга келувчи меҳмонларни ким, қачон, қаерда кутиб олиб, кузатиб қўйишигача. 1 сентябрга ўтар кечаси тўғилажак болакайларнинг оналарини қутлашдан, сотувга чиқажак янги буюмларгача — ҳамма-ҳаммаси яна бир бор астойдил муҳокама қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг ҳокимлиги, вазирлик ва идораларнинг раҳбарларига мавжуд камчиликларни тезда тугатишлари учун кўрсатмалар берилди.

Бир-икки мисол: ўша кунлари болакайлар салкам ўттиз тонна музқаймоқни еб тугатишлари керак. 31 август оқшомидан 1 сентябрь тунигача Тошкент кинотеатрларида томошалар текин бўлишини эшитгандирсиз...

Биласиз, илгари бундай тантаналардан сўнг «катта концертлар» асосан саройларда, маълум кишилар учунгина намойиш этиларди. Энди уни халқ кўради ва концерт деганимиз ростдан ҳам катта бўлади. Қанча томошабин кутилаётган бўлса, шунча (10 минг) ижрочи хизмат кўрсатади...

Байрам кунлари бутун мамлакат аҳли уч кун дам олади. «Ҳукумат-чи?» Кимдир шундай савол берган эди, олган жавоби қўйидагича бўлди: ҳукумат ишлаб дам олади.

Мажлисда республикамизнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида тантаналарга қандай тайёргарлик кўрилаётгани ҳам муҳокама этилди.


Мажлисга Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов раислик қилди. (ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ КИЕВГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Давлат делегацияси 25 август куни Украина Республикасининг пойтахти Киев шаҳрига жўнаб кетди. Расмий сафар чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолаш кутилмоқда. (ЎзА).

• ПОЙТАХТИМИЗ БАЙРАМ АРАФАСИДА •







● ЎЗБЕКИСТОН пойтахтининг Мустақиллик майдони байрамга тайёр. Бу ерда 31 август ва 1 сентябрь кунлари катта умумхалқ шодиёнаси бўлиб ўтади.

● РЕСПУБЛИКА пойтахти тобора кўркам ва гўзал бўлиб боряпти. Суратда: шаҳар марказининг кўринишларидан бири.

● ЭЛ ҚАТОРИ Собир Раҳимов районидаги 22-мактаб жамоаси ҳам республикамиз мустақиллигининг бир йиллигини кўтаринки кайфият билан қаршн оляпти. Суратда: кекса педагог Фотима Шоиноғомова ўқувчилари даврасида.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) ва Р. АЛЬБЕКОВ суратлари.

БИЗ ШУНДАЙ НИШОНЛАЙМИЗ

Ўзбекистон мустақиллиги куни — умумхалқ байрами яқинлашган сайин уни ўтказишга тайёргарлик ҳам кун сайин кучайтирилмоқда, ташкилий ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Вилоятимизнинг барча шаҳар ва районларида байрамга ҳозирлик кўриш ишлари билан яқиндан таништар экамиз, ҳокимликлар амалга ошираётган тадбирлар бу шодиёнанинг ҳамма ерда зўр уюшқоқлик билан ўтишидан дарак бераётганлигини ишонч билан таъкидламоқчимиз.

Байрамга тайёргарлик диққат-марказимизда турибди. Кун сайни янги-янги хушхабарлар, маълумотлар келмоқда. Шаҳар ва районларнинг ҳокимлари бизни ўз режалари, қилаётган ишлари билан таништирмоқдалар.

Эътиборингизга ҳавола қилинаётган ушбу мақолада республикамизнинг йирик саноат шаҳарларидан бўлган Чирчиқда шу кунларда қилинаётган амалий ишлар, байрамни нишонлашнинг аниқ режалари, белгиланган катта ташкилий тадбирлар ҳақида ҳикоя қилинади. Шундай қилиб сўз шаҳар Ҳокими Дониёр АЗИЗХЎЖАЕВга:

— Шаҳар ҳокимлиги Республика мустақиллигининг бир йиллигини нишонлашга тайёргарлик ишларини анча илгари бошлаб юборган эди. Биз бу муҳим тадбирни ўтказишга жамоат ташкилотларини ҳам жалб қилишни лозим, деб топдик. Улар ичида энг нуфузлиси бўлган Ўзбекистон ХДП шаҳар кенгаши билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Кенгаш билан биргаликда аёмга ҳозирлик ва уни ўтказишга қаратилган тадбирлар мажмуини ишлаб чиқдик.

Шунга мувофиқ ташкилий қўмита туздик. У ўз фаолиятини жадал бошлаб юборди. Ҳозирги кундарда байрамни ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча ишларга раҳбарлик қилмоқда. Ҳамма корхоналар, ташкилотлар, муассасаларда тайёргарлик ишларининг боришидан хабардор бўлиб турипти. Зарур бўлса жойларда тузилган байрамни тайёрлаш ва ўтказиш комиссияларига ёрдам бермоқда.

Белгиланган тадбирларга мувофиқ шаҳарда республика мустақиллиги ҳафталиги ўтказилади. Бу ҳафта давомида турар-жой мавзелари, маҳаллалар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, ҳар бир меҳнат жамоасида мустақиллик куни нишонланади. Унда меҳнаткашлар меҳнат, партия фахрийлари, машҳур ва таниқли кишилар билан учрашадилар. Ҳамма жойда байрам дастурхонлари ёзилади, ўйин-кулги бўлади, бадиий ҳаваскорлар, халқ талантлари ўз маҳоратларини намойиш этадилар. Меҳнат жамоалари ўз ички имкониятлари доирасида кишиларни иштимоий ҳимоя қилиш тадбирларини кўрадилар.

Байрам тантаналари олдидан ўтказиладиган тадбирларни амалга оширя бошладик. Масалан, 23 август куни шаҳар ҳокимлиги, «Разъно» кичик корхонаси, Халқдемократик партияси шаҳар кенгаши ҳамда Ёшлар қўмитаси ташаббуси билан «Наврўз» ҳайрия тадбири ўтказилди.

Мазкур тадбирда шаҳардаги барча саноат корхоналари фаол қатнашдилар. Шу жумладан, «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси 500 минг сўм, Ўгга чидамли ва қаттиқ қотишмалар комбинати 250 минг сўм, «Чирчиқсельмаш» корхонаси 250 минг сўм, Чирчиқдаги 160-қурилиш тресги жамоаси эса 200 минг сўм маблағ ўтказди. Ушбу тадбир натижасида 2,5 миллион сўм пул йиғилди. Унинг 40 фонзи Чирчиқ шаҳар ҳайрия фондига ўтказилади.

Шу куни шаҳар кекса кишиларини ҳурматлаш, ёш-ғўдакларни эъзозлаш билан боғлиқ бўлган қатор тадбирларни ўтказдик. Чунончи, шаҳримизнинг элга таниглган 2 нафар отахонининг туғилган куни нишонланиб, уларга тўн, сарпо кийдирилди, қимматли совға берилди. Бундан ташқари, шаҳримизда истиқомат қилувчи ҳурматли кишилардан яна ўн нафарига тўн кийдирилди. Айни вақтда 4 нафар боланинг суннат тўйи ўтказилиб, уларга сарпо, ота-оналарига эса қимматли совғалар топширилди. Иккита янги оилани ҳам никоҳдан ўтказилди.

ЧИРЧИҚДА МУСТАҚИЛЛИК ҲАФТАЛИГИ

Ҳокимият томонидай уларга жами 44 минг сўмлик мебель тортиқ қилинди.

Икки нафар қаҳрамон онанинг ҳар бирига сочи сигир совға қилинди. Тўрт нафар ногирон болаларга аравача берилди, ҳарбий билим юрти талабаларидан ўн кишини туғилган кунлари ўтказилиб, уларга қимматли совғалар улашилди. Афғонистонда хизмат қилиб қайтган байналмилалчи жангчилар ҳам эътибордан четда қолмадилар. Уларга совғалар топширилди. Барча спорт иншоотларида турли ўйинлар, мусобақалар уюштирилди.

Шу кунги байрам тантанаси шаҳар бадиий ҳаваскорлар дасталарининг чиқишлари билан нихоясига етди.

Ташкилий комитет аъзолари мустақиллик ҳафталиги кунлари давомида шаҳардаги ногирон оилалар хонадонига ташриф буюришади. Бу оилаларнинг ҳар бирига 500 сўмдан пул улашилади. Ҳаммаси бўлиб 100 оила шундай ҳайрли тадбир билан қамраб олинади. Тарқатиладиган сармоя миқдори 50 минг сўмдан кам бўлмайди. Бу хайрли ишларга шаҳар халқ демократик партияси кенгаши ва шаҳар ёшлар иттифоқи қўмитаси ҳам муносиб ҳисса қўшадилар. Жумладан, Ўзбекистон ХДП шаҳар Кенгаши қаҳрамон оналарнинг бирига ўз ҳисобидан сигир, шаҳар ёшлар қўмитаси янги турмуш қурган келин-куёвга 22 минг сўмлик мебель тортиқ этади.

31 август куни шаҳар истироҳат боғида оқсоқолар учун дастурхон ёзилиб 2000 кишилик ош дамланади, катта концерт дастури намойиш қилинади. Байрам тантаналари 1 сентябрь куни шаҳар истироҳат боғида давом эттирилиб, бадиий ҳаваскорлар иштирокида концерт қўйилади, халқ сайли ташкил этилади, савдо уюштирилади. Шу куни шаҳарда янги қурилган 1290 ўринли мактабнинг очилиш маросими бўлади.

Ташкилий комитет байрам тантаналарини ҳар жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказиш чораларини кўряпти. Тайёргарлик ишларининг бориши ҳар куни назорат қилиниб, ҳар бир масъул кишига аниқ вазифалар юкланган. Шаҳардаги йирик корхоналар ушбу тадбирни ўтказиш учун ўз имкониятлари доирасида маблағ ажратишмоқда.

Ўзбекистон ХДП шаҳар Кенгаши мустақиллик куни-га бағишланган ҳафталикни ўтказишнинг сиёсий-тарбиявий, мафкуравий жиҳатлари билан шуғулланиб, унинг ҳар томонлама мазмунли, эсда қоларли ва ҳақиқий умумхалқ байрами сифатида ўтишини таъминлашда ҳокимиятга ёрдам бермоқда. Биз бу кўмакдан мамнунмиз.

Д. АЗИЗХЎЖАЕВ,
Чирчиқ шаҳар Ҳокими.

• *Вилоят ҳокимлигида*

СЎНГГИ ТАРАДДУД

Кеча вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон мустақиллиги куни — умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича иш олиб бораётган комиссиянинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда комиссия аъзолари, шаҳар ва районларнинг ҳокимлари вилоят маъмурий органлари ҳамда вилоят миллий хавфсизлик хизмати раҳбарлари, район ва шаҳарларнинг ички ишлар бўлимлари бошлиқлари, район ва шаҳар прокурорлари, вилоят турли хизмат бошқармалари, бўлимлари, тармоқлари раҳбарлари, шунингдек фаоллар иштирок этдилар.

Йиғилишда байрамга тайёргарликнинг бориши билан боғлиқ бўлган барча ташкилий масалалар, сўнгги тараддуд ишлари яна бир карра чуқур таҳлил ва муҳокама этилди. Бу масала бўйича тегишли ташкилот раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Умумхалқ байрамини чинакам халқ шодиёнасига айлантириш учун амалга оширилиши лозим бўлган тадбирларнинг қандай бажарилаётганлигига алоҳида эътибор берилди. Тингланган ахборотлар ва маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, вилоятимизда тайёргарлик гоят қизғин ва масъулиятли палага кирган, бутун куч ва имкониятлар тўлиқ сафарбар этилмоқда. Шу билан бирга эътибордан четда қолаётган, ўз ечимини кутаётган масалалар, зудлик билан ҳал қилиниши зарур бўлган ишлар йиғилиш қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

Шу нарса алоҳида таъкидландики, 3 кун давом этадиган умумхалқ шодиёнасини вилоят меҳнаткашлари чинакам байрам қилишлари, кўнгилли маданий дам олишлари ва кўтаринки кайфиятда бўлишлари учун барча шароитларни яратиш энг муҳим вазифадир. Одамлар ўз оилалари билан, халқ оммаси билан Мустақиллик кунини кўтаринки руҳда нишонлаётганларидан фахрлансинлар, бунинг учун ҳамма қулайлик ва имкониятлар яратилганлигини шахсан ҳис этсинлар. Ҳамма ерда шоду хуррамлик, юксак намунали тартиб ва осойишталик барқарор бўлмоғи лозим. Халқ сайиллари, ўйин-кулгулар, халқ талантлари ва санъаткорларининг чиқишлари, ғарқ пишиб ётган анвойи мевалар, сабзавот ва полиз маҳсулотлари, турли саноат моллари кўргазмалари — савдоси байрам қатнашчиларининг кайфиятига кайфият қўшсин. Хуллас, 3 кун давомида халқимиз ўзининг энг улуғ ва орзу қилган муқаддас байрамида яйраб-яшнасин, истиқлолимиз учун шукроналар айтсин — муҳокамадан чиқарилган асосий хулоса ана шу бўлди.

Комиссия йиғилишини унинг раиси, вилоят Ҳокими С. Д. Сайдалиев бошқарди ва байрамни юқорида айтилгандек ўтказишни таъминлайдиган воситаларни кўрсатиб берди, аниқ вазифалар қўйди.

• *«Тошкент ҳақиқати» йўқламаси*

ЧИНОЗНИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

Республикамиз мустақил бўлгач чинозликларнинг ҳам бир ғайратларига ўн ғайрат қўшилди,. Бу ерда ишбилармонлик ривожланмоқда, хўжаликлар, саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, муассасаларда қизғин меҳнат давом этмоқда, охори тўкилмаган ташаббуслар туғилмоқда. Хуллас, барча эзгу ишлар, тадбиркорликлар Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилмоқда.

29 август, шанба куни Чиноздаги Навоий номли колхознинг 600 нафарга яқин вакили пойтахтдаги миллий боққа — Алишер Навоий ҳузурига келади, «Бободеҳқонга таъзим» деб номланган бу ибратли тадбирда Мустақиллик байрамига бағишлаб ўйин-кулгу, турли тантаналар, шеърхонлик, газалхонликлар ўтказиш, Навоий номли колхоз далаларида етиштирилган ёз ноз-неъматлари савдосини уюштириш режалаштирилган.

(Бугун газетамизнинг иккинчи саҳифасида Чиноз районидаги меҳнаткашларининг шу кунлардаги ишлари билан танишасиз).

1 СЕНТЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

ЭНГ МУҲИМИ — ОНГИМИЗ ЎЗГАРСИН

ЧИНОЗ РАЙОН ҲОКИМИ, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕПУТАТИ УСМОНАЛИ УМАРОВНИНГ МУСТАҚИЛЛИК ҲАҚИДАГИ МУЛОҲАЗАЛАРИ



Кейинги пайтда радио, «ойнаи жаҳон», газеталар, катта-кичик йиғилишларда мустақиллик ҳақида кўп гапириладиган бўлиб қолди. Ҳокимлар маърузаларининг деярли ярмида мустақиллик, уни авайлаб-асраш, бу улуғ кун учун ота-боболаримиз, аждодларимиз қурбон бўлганликлари тўғрисида гап боради. Бу гапларга қарши эмасман, лекин мустақиллик учун бирор ҳисса қўшмаётган, ҳали ҳам осмондан чалпак ёғилишини кутиб яшаётган кишиларнинг минбарларга чиқиб, сухандонлик қилишларига қаршиман, мустақилликнинг қоғозларда, маърузаларда эмас, чинакам ватанпарварона амалга оширилаётган ишларда, дон-дун, озиқ-овқат маҳсулотларига тўла омборларда, қорижий давлатлар билан ўзаро ҳамкорликларда, қардош мамлакатлар билан тил топишиб, улардан керакли нарсалар олиб келиб, халқини боқаётган раҳбарларнинг оқилона фаолиятларида ифодаланишини истайман.

Қисқаси, «Мустақиллик» илгаригидек «Яшасин, коммунизм!» қабилидаги жўнгина сўз эмас. Мустақиллик бу — ҳаракат, ташаббус, интилиш ва курашишдан иборат. Кимки, ўз меҳнати мевалари билан бозорларни тўлдираётган, кўп ва арзон маҳсулотлар етиштираётган бўлса, ўша одамни мустақиллик фидокори дейиш мумкин. Чунки, ҳамма гап айланиб иқтисодга тақалади. Қуруқ қошиқ оғиз йиртар, деган нақл бежиз айтилмаган-ку.

Тўғри, ҳозир қийинчиликларимиз, муаммоларимиз кўп. Бозор иқтисодиёти кутилмаганда «бостириб» кирди, ҳамма қардош жумҳуриятлар «қозон-товоқ»ларини бошқа қилиб олдилар, марказлашган таъминот барҳам топди. Шундай мураккаб шароитда мустамлака кишанларидан қутилдик, мустақил бўлдик, инон-ихтиёр ўзимизга берилди. Албатта, кўпчилик мустақилликнинг бошланиш давридаги етишмовчиликларга кўникаолмаяпти, учрашувларда илгариги замон яхши эди, деган гап-сўзларни эшитиб қоламиз. Лекин, инсоф билан айтганда, ўзбекистонликлар бошқа жумҳуриятлардагига қараганда тўкинроқ яшамоқдалар. Буни тўй-маросимларимиз, тўкин-сочин бозорларимиздан ҳам билиш мумкин. Энг муҳими — республика ҳукумати, Президентимиз амалга ошираётган сиёсат туфайли кунларимиз тинчлик-хотиржамликда ўтмоқда. Чунки, тинчлик, хотиржамлик қарор топтирилган давлатдагина яхши яшаш мумкин.

Қадимий «Буюк ипак йўли»да жойлашган районимиз меҳнаткашлари мустақилликнинг мураккаб шароитида ақлидрок билан иш тутиб, белгиланган режаларнинг муваффақиятли бажарилиши учун астойдил курашмоқдалар. Ўзбекистоннинг жаҳон майдонига чиқиб олганлиги, кўпгина қорижий давлатлар билан дипломатия ва бевосита иқтисодий алоқалар ўрнатганлиги, айниқса Президентимизнинг халқ тинчлиги, фаровонлигини таъминлаш борасида амалга ошираётган ишлари чинозликларнинг ҳам кучига куч, ғайратига ғайрат қўшмоқда. Чиноз ишбилармонлар, тадбиркорлар масканига айланаётганлиги ҳаммамизни қувонтирмоқда. Бизда эл-юрт ўртасида обрў-эътибор топаётган раҳбарлар анчагина. «Дўстлик» (собиқ «Октябрь 40 йиллиги») колхозининг раиси П. Саулькин, «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги (раиси Э. Жонтелеев), Охунбобоев номли жамоа хўжалиги (раиси А. Мираҳмедов), Т. Эрназаров номли давлат хўжалиги (директори Б. Йўлдошев), «Эшонобод» жамоа хўжалиги (раиси Е. Ерхўжаев), К. Маркс номли жамоа хўжалиги (раиси М. Абдукаримов), Навоий номли жамоа хўжалиги (раиси Ж. Араббоев)лар шулар жумласидан ҳисобланадилар. Раҳбарларнинг тадбиркорликлари туфайли ўтган йили 5 хўжалик режадан ортиқ маҳсулотни эркин баҳога сотиб, 16 миллион сўмдан зиёд фойда кўрди. К. Маркс номли жамоа хўжалигида (раиси М. Абдукаримов) чинакам ишбилармонлик усуллари қарор топтирилмоқда. Яқинда хўжалик Русия давлатидан 300 тонна картошка. 4 вагон қурилиш материаллари, 2 вагон ялчик тахтачалари олди. Шунингдек, чорвачиликни даромадли соҳага айлантириш борасида ҳам ибратли ишлар қилинмоқда. Бу йил 100 бош қора молга мўлжалланган ферма биноси фойдаланишга топширилади. Келгусида бу ерда йирик чорвачилик комплекси барпо этилади. Хўжалик ҳудудида қурилаётган йирик пойабзал фабрикаси чинозликларни иш билан таъминлаш имкониятини яратади. Мустақиллик туфайли ҳар ким ўз маҳсулотини ўзи сотиш ҳуқуқига эга бўлди. К. Маркс номли жамоа хўжалиги ҳам 58 тонна пахта толасини Русияга 58 миллион сўмга сотди.

Т. Эрназаров номли давлат хўжалиги директори Бўлтак Йўлдошев ишбилармонларнинг олдинги қаторида туради. Унинг ташаббуси билан бундан бир неча йил олдин Ёқутистон билан иқтисодий алоқа ўрнатишган эди. Эрназаровликлар яқинда ёқутистонликларга бир неча тонна пиёз, помидор, бодиринг, сабзи, гилос, кўкатлар жўнатдилар. У ердан эса 14 вагон қурилиш материаллари олинди. Яна 10 вагон ёғоч келиши кутилмоқда.

Чинозда қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати, балиқлар учун омухта ем ишлаб чиқарувчи завод, Олмазор автомобиль ремонти корхонаси, қум-шағал карьери бор. Саноат корхоналари ҳам мустақиллик шароитида ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш тадбирларини оқилона амалга оширмоқдалар. Шулардан бири «Пахтакабель» заводидир. Унинг директори Икром Дадамуҳаммедов «Рауф-Икром» фирмасига асос солди. Фирма Олмазор қўрғонида махсус магазин очиб, Русиядан келтирилган қурилиш материаллари билан савдо қилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан аҳолига шахсий уй-жой қуриш учун тегишли миқдорда ер ажратиб берилмоқда. 1990—1991 йилларда 204 гектар ер 1700 оилага тақсимланди. Албатта, катта-катта даромад топаётган кишилар ўз иморатларини тез фурсатда тиклаб олишмоқда. Лекин, беш қўл баравар эмас, ҳамма ҳам катта даромадга эга эмас. Яқинда район хўжаликларини айланиб, уй-жойга ажратилган кўпгина ерлар ҳамон бўш турганини кўрдим.

Шу ўринда баъзи мулоҳазаларимни айтиб кетсам. Ўзингизга маълум, энди мустақилмиз, ўз томимиздаги қорни ўзимиз кураймиз, биров бизга ёрдам бермайди. Шундай экан, келинг, қийинчиликлардан чиқиш йўлларини қидирайлик. Масалан, илгари ота-боболаримиз оилада фарзанд туғилса бир неча дона терак қаламчаларини ўтказар эканлар. Чақалоқ йигит бўлгунча, тераклар ҳам ўсиб, устунларга, тўсинларга ярайдиган бўлиб қолади. Нега шу ишни қилмаймиз? Ахир, бўш ётган ерларимиз кўпку? Олмазор давлат хўжалиги (директори Йўлдош Тожибоев), Охунбобоев номли жамоа хўжалиги (раиси Асомиддин Мираҳмедов)да ота-боболаримиз удумлари қайта тикланмоқда, уларда юз минглаб терак қаламчалари ўтказилди.

Мен бозор иқтисодиёти шароитида деҳқонлар, сабзавоткорларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, уларга қулай шароитлар яратиб бериш зарур, деб ҳисоблайман. Ҳозир нима бўляпти? Масалан, деҳқон пиёз ёки сабзавот етиштиради, лекин, тайёрлов идоралари у айтган нархда сотиб олмайди. Деҳқонда эса омбор йўқ, у ёққа — бу ёққа югургани билан битмайди, маҳсулот сифати бузилади. **Менимча, кооперативлар сотиб олинган маҳсулотларни ўзлари сақласинлар. Деҳқон фақат маҳсулот етиштириб берсин, уларни ҳар ҳил ташвишлар билан ўралаштириб қўймайлик.**

Биз энг муҳими — одамлар онгини ўзгартиришимиз керак. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ, ўзаро муомала маданиятимиз паст. Худди ҳеч нарсани кўрмаган одамларга ўхшаймиз, савнямиз етишмайди, бетартиб яшаймиз. Албатта, бу айтаётганларим майда-чуйдадек кўринади. Лекин, ҳоҳлаймизми, ҳоҳламаймизми — янги замонга монанд иш тутишимиз, мустақил Ўзбекистон фуқароси шон-шуҳратини кўтаришимиз зарур. Бир-биримизни тушунмасак, аравани ҳар ким ҳар томонга тортаверса ҳали-бери косамиз оқармайди.

Қишлоқ хўжалигини тезроқ ривожлантириш учун фермер хўжаликларини кўпайтириш лозим. Районимизда уларнинг сони 20 тадан ошиб кетди. Т. Эрназаров номли давлат хўжалигидаги фермерлар бу йил давлатга 17 тоннадан зиёт сут сотдилар.

Одамларга гектарлаб ер ажратиб беришга қаршиман. Баъзилар чамаси келмайдиган ерларни олиб, умрини бекор ўтказадилар. Ундан кўра шу ер бир неча одамга бўлиб берилса, маҳсулот кўпаяди.

Турғунлик йилларида раҳбар кадрларни юқоридан юборишарди, маҳаллий ҳокимият фикри эътиборга олинмасди. Натижада Чиноз узоқ йиллар тараққиётдан орқада қолиб кетди. Негаки, четдан келган раҳбарлар район равнақига ҳисса қўшмасдилар. Афсуски, вазирликлар айрим корхоналар раҳбарлигига ҳамон ўз вакилларини қўйишга уринадилар. **Кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш масаласи маҳаллий ҳокимият ихтиёрига берилмас экан, бу борадаги мустақиллик қоғозларда қолиб кетаверади, ишлаб чиқариш соҳаларида қўнимсизлик давом этаверади.**

1 сентябрда Мустақиллигимизнинг бир йиллигини нишонлаймиз. Шу бир йилнинг ўзида жуда кўп ишлар қилинди. Лекин, ҳали олдинда кўпгина қийинчиликлар, муаммолар бор. Агар ҳар биримиз Мустақилликнинг иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланишига баравар ҳисса қўшмасак, дастурхонларимиз ноз-неъматларга, омборларимиз дон-дунга ўз-ўзидан тўлиб қолмайди.

Мустақиллигимизни фидокорона меҳнатимиз, тинч-тотувлигимиз билангина сақлаб қолиш мумкин.

Суҳбатни **Эсон ҚОСИМОВ** ёзиб олди.

● **РАЙОНДА янги, замонавий мактаб бинолари кўпайиб бормоқда. Яқинда «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида Омонгелди номли 4-ўрта мактаб учун янги бино қуриб битказилди. У Мустақиллик байрами куни тантанали равишда очилади.**

СУРАТДА: янги мактаб биносининг умумий кўриниши.



ЧИНОЗ ШУ КУНЛАРДА

Мустақиллик куни — 1 сентябрда район ҳокимияти биноси олдида катта байрам тантаналари ўтказилади, карнай-сурнай садолари янграйди. Ота-боболаримиз удумига кўра Чинознинг барча аҳолисига ош тортилади, бир пиёла чой устида ширин суҳбатлар қурилади.

Район савдо ташкилотлари шу куни очиқ савдолар ташкил этадилар, жамоа ва давлат хўжаликлари ўзларида етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини арзон баҳоларда сотадилар...


Чиноздаги бадиий ҳаваскорлик дасталарининг қатнашчилари байрам қатнашчиларини хушнуд этадилар.

Шунингдек байрам тантаналари қишлоқлар, қўрғонлар марказларида ҳам ўтказилади.

ЖУРНАЛИСТ МИНБАРИ

ЭЛ ХИЗМАТИДА

Газета муҳаррири Ҳабиба Шерованинг «Умид, ишонч барқарор бўлсин» сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Унда имон-эътиқодимизнинг янада мустаҳкамланиши, миллий қадриятларимизни тиклаш, кишилар орасида меҳр-оқибат ҳисларини қарор топтириш, адолатнинг барқарор бўлиши учун курашиш ҳақида мулоҳаза юритилади.



Мустақил жумҳурият учун мустақил армия керак. Район прокурорининг катта ёрдамчиси, биринчи тоифадаги ҳуқуқшунос Бахтиёр Комиловнинг «Хизматдан бўйин товламанг» сарлавҳали мақоласида Ўзбекистоннинг ҳудудини, халқи ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳар бир соғлом йигитнинг муқаддас бурчи эканлиги алоҳида таъкидланади.

Районимиз хўжаликларининг меҳнаткашлари мустақил Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун ташаббус кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Газетамиз саҳифаларида Т. Эрназаров номли давлат хўжалиги, Охунбобоев номли, Амир Темур номли, «Эшонобод», «Дўстлик», К. Маркс номли жамоа хўжаликлари тажрибаларини, ишбилармонлар фаолиятларини ёритдик.

«Ўқинг: энг янги янгиликлар» рубрикаси остида берилаётган ахборотлар муштарийларда қизиқиш уйғотмоқда. Унда халқ хўжалигини ривожлантириш, халқ таълими, маданият, савдо биржалари соҳаларидаги янгиликлар ёритилмоқда.

Район ҳаётини газетасиз тасаввур этиш қийин, албатта. У меҳнат аҳлини янги ютуқлар сари илҳомлантиради, тажрибаларни оммалаштиради, маҳаллий ҳокимият қарорларини халққа етказади, одамларни меҳр-оқибатли бўлишга даъват этади. Лекин ҳар ким ўзи учун ҳаракат қиладиган бугунги кунда маҳаллий бюджетдан берилаётган маблағлар етмай қолди. Таҳририятимиз қўшимча даромад топиш йўлларини изламоқда, эълон ва рекламаларга кенг ўрин берилмоқда. Бундан ташқари биржалар, хўжалик ва корхоналар бизга иқтисодий жиҳатдан ёрдам кўрсатмоқдалар.

Маблағ йўқлиги туфайли район радиоэшиттириши тўхтаб қолган эди. У район ҳокимининг фармойиши билан яна ўз эшиттиришларини тиклади.

Орзиқул МАЪМУРОВ,
«Чиноз ҳаёти» газетаси хатлар ва оммавий ишлар бўлими мудири.



● **ОХУНБОБОЕВ номли жамоа хўжалигидаги Яллама қишлоғи райондаги йирик қишлоқлардан бири. Улуғ Ватан уруши йиллари жуда кўп ялламалик йигитлар жангларда матонат кўрсатдилар. Урушдан жанговар нишонлар билан қайтган кишилар бугунги кунда қарилик гаштини сурмоқдалар. Лекин, касофат уруш кўпгина хонадонларга «қора хат» йўллади, навқирон йигитлар ўз қишлоқларига қайтмадилар.**

Яллама қишлоғига киравершида ўрнатилган ёдгорликда ўз жигарбанди ва севимли ёрини кутаётган она ва аёл сиймолари акс эттирилган.

СУРАТДА: ёдгорликнинг умумий кўриниши.

Абдужалол РАҲИМОВ суратлари.

«ОЛ ТОВОҒИМ, БЕР ТОВОҒИМ»

Ҳозир русияликларга қадрли йўқ пуллардан кўра Ўзбекистон саҳий тупроғида етиштирилган ноз-неъматлар минг марта аъло кўринади. Ўзбекистонликларга ҳам пул эмас, қурилиш материаллари керак. Қисқаси, «Ол, товоғим, бер товоғим», деганларидек, ёз ноз-неъматларига ёғоч-тахталар айрибош қилинмоқда. «Эски Тошкент» жамоа хўжалиги механизаторлари Иркутск аҳолисига помидор, қовун-тарвуз юборибди, у ердан 1 миллион 200 минг сўмлик қурилиш материаллари олдилар.

ИШБИЛАРМОН КИШИЛАР

Улардан район наф кўряпти

Кооперативларни ривожлантириш ҳақида қарор чиққанда Мирза Раҳмонов Байкал бўйидаги туристик базада дам олаётган эди. Шу ерда орттирган таниши — иркутскийлик Алексей Скроботнинг таклифи билан кооперативда ишлашга розилик берди. Уни «Весна» кооперативи раислигига сайлашди. Кейинчалик Владивостокдаги 6 ойлик бизнес мактабида ўқиди. Болгариянинг Пловдив шаҳрида маркетинглик (олиб-сотарлик) бўйича малакасини оширди. Мўғулистон, Японияда бўлиб, ўз соҳаси билимдонлари ишлари билан танишди.

Шундай қилиб, касби инженер-механик бўлган Мирза Алексей ва Муҳам Ўразметовлар билан биргаликда Мирзо Улуғбек деб номланган шахсий тижорат фирмаси ташкил этди. М. Ўразметов чет эл ҳамда ҳамдўстлик давлатлари бўйича ахборотлар йиғиш билан шуғулланади. Фирма «Ўзбекистон» хўжалик ҳисобидаги ташкилот орқали Чиноз районидаги Амир Темур номли жамоа хўжалиги пахта толасини Херсон вилоятидаги тўқимачилик комбинатига 8 миллион 91 минг 720 сўмга сотиб берди. Шу хўжалик билан 1,5 минг тонна пиёзга шартнома тузиб, Иркутск шаҳрига сотди.

Тижорат фирмаси ўз даромадининг 20 фоизини район бюджетига ўтказади. Фирма нафақа, касаба уюшмаси фондлари, қўшимча даромад солиғига 400 минг сўм тўлади, район газетига 5 минг сўм берди.

— Андижон, Фарғона вилоятларида ҳали жўнатилмаган пахта толалари бор, — дейди М. Раҳмонов, — йил охиригача даромадимиз 10 миллион сўмдан ошади. Келгусида Чиноза ип йигириш ва тўқиш бўйича кичик корхона очиш режамиз бор.

Шунингдек бугунги кунда Чиноз савдо Уйига айлантирилган Чиноз савдо биржасидан ҳам район бюджетига 1 миллион сўмга яқин маблағ тушди. Биржа иқтисодий қийинчиликка учраб қолган район газетига 10 минг сўм миқдорида ёрдам берди.

Э. ТОШМАТОВ.

СУРАТДА: Мирзо Улуғбек номли тижорат фирмаси раҳбари Мирза Раҳмонов Чиноз савдо биржасининг собиқ ходими Қосим Жалилов (ҳозир у район ҳокимиятида ташкилий ишлар бўлими мудири бўлиб ишламоқда) билан суҳбатлашмоқда.

Д. АҲМАД сурати.







● **Турсунбой Эрназаров номидаги давлат хўжалигида иссиқхона ишга тушганига анча бўлди. Бу ерда қишнинг ўзи сабзавот маҳсулотлари, кўкатлар етиштирилмоқда.**

СУРАТЛАРДА: иссиқхона хўжалиги илғор ишчилари (чапдан) Зилола Ўтбосарова ва Мамлакат Мунировалар. Иссиқхона хўжалигининг умумий кўриниши.

● Район янгиликлари

САХОВАТ

Районда шу йилнинг беш ойи мобайнида 1285 кишига моддий ёрдам кўрсатилди. Уларга 80740 сўм пул, 30 қоп ун, 430 кило гўшт, 545 кило ўсимлик мойи, 1250 кило гуруч, 650 кило картошка, ниёз ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари берилди. Шунингдек 68 та эркаклар кўйлаги, 60 жуфт калиш, 50 та сочиқ, чойнак ва пиёлалар совға қилинди.

Амир Темур номли, Охунбобоев номли, Т. Эрназаров номли хўжаликлар, Чиноз пахта тозалаш заводи, Олмазор мебель фабрикаси маъмуриятлари механизаторларга саховат кўрсатишда намуна бўлмоқдалар.

ХЎЖАЛИК МЕБЕЛЬ СОТАДИ

Карл Маркс номли жамоа хўжалигида ҳамдўстлик давлатлари ҳамда Италия фирмалари билан ҳамкорликда ишлаган мебель жиҳозларини сотиш йўлга қўйилди. Ноёб жиҳозлар бартьер йўли билан келтирилган. Харидорлар «Надежда», «Пион-2», «Корвет-3», «Миди-5» «Экспромт», «Сибирячка» деб номланган стенкалар, юмшоқ мебеллар, шифоньерлар, диван-кроватлар, болалар кроватларини харид қилишлари мумкин.

• ҚУТЛОВ

ТАҚДИРИН ҚЎЛ БИЛАН ЯРАТГАН ОДАМ

Тошкент районидаги Муҳаммаджон Фозилов номли жамоа хўжалиги раиси, республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Сиддиқжон Муҳаммаджонов 70 ёшга тўлди

ТУРМУШНИНГ аччиқ-чучугини тотиган фахрийлар, кексаларнинг фалсафаси, дунёқараши бутунлай бошқача, улар эл-юртнинг, жумлаи-мўминнинг тўқлиги, тинчлиги, осойишталиги, бойлиги, соғлиги, хотиржамлигини бахт деб англайдилар ва ана шу йўлда ҳаракат қиладилар. Ўзбекистон халқ ноиби, жамоа хўжалиги ишлаб чиқаришининг ташкилотчиларидан бири, Тошкент районидаги Муҳаммаджон Фозилов номли колхоз раиси Сиддиқжон Муҳаммаджонов ана шундай инсонлардан.

Мен у киши ҳақида ўйлаганимда бир воқеани бот-бот ёдга оламан. Бу чамаси 1984 йилнинг ёз ойларида рўй берган эди. Бир куни муҳарриримиз чақириб, топшириқ берди.

— Сиддиқжон акани яхши танийсиз...

— Бўлмасам-чи,— дедим мен.

— Жуда соз,— деди муҳаррир,— яна шу колхозга боришингизга тўғри келади. Бу гал хўжаликнинг ҳаёти, уерда қилинаётган ишларни раиснинг ҳаёти билан боғлаб каттароқ мақола уюштирасиз...

Мен хўжаликка йўл олдим.

Ҳаёт... У ғоят ширин ва лаззатли. Лекин, бу ширинлик, бу лаззатни туйиш учун ҳаётнинг ўнқир-чўнқирларидан, сўқмоқларидан чидам, тоқат, сабр-бардош билан ўтиб бориш керак. Кўпчилик бўлсак, уюшсак, заковатли, ақлли, доно, ўзлигини аямайдиган йўлбошчига суянсак, уни қўллаб-қувватласак, бу сўқмоқлардан ўтиш осон бўлади.

Сиддиқжон Муҳаммаджонов ана шундай йўлбошчилардандир. Шу ўринда Сиддиқжон аканинг отаси, колхознинг биринчи раисларидан бўлган Муҳаммаджон Фозилов номини хўжаликка беришга бағишланган йиғилишда бир колхозчининг айтган гапларини яна бир бор эслаш жоиз бўлиб қолди. У ҳаяжонланиб, тўлқинланиб шундай деган эди: «Биз Муҳамммаджоннинг фидойилигига ҳайрон қолардик. Юриш-туриши, кийинишини кўрган, гап-сўзларини эшитган одам дафъатан уни раис деб ўйламасди. Ниҳоятда камсуқум, камтар эди. Димоғ-фироғ деган нарсани билмасди. Қачон қарасанг далада, у ёки бу бригадада, деҳқон билан бирга бўларди. Баъзан биргалашиб ишларди. Бирга чой ичарди, овқат ерди. Ўзини аямасди. Фаоллари сиз ҳам бундай бошқа раисларга ўхшаб дам олишга борсангиз бўлмайдими, деб айтишса, ҳозир дам оладиган пайт эмас, деб айтарди. Лекин, барибир одам темир эмас экан-да. Тақдирни, ҳаётнинг нотантилигини қаранг-а. У бир куни идорага ниҳоятда чарчаб, толиқиб келди. Диванга ўтириб қолди, мазам йўқ деб...

...Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, Муҳаммаджон акадаги фидойилик, куйди-пишдилик, эл иши учун жонкуярлик, ҳақгўйлик, халқ қалбига кириш, одамлар билан тил топишиш сингари инсон учун энг зарур фазилатлар ёш Сиддиқжоннинг қалбида муҳрланган эди. Ана шу фазилатлар вояга етгач, куртак очди, барг ёзди. От босмаганни той босар, деб 1952 йил 10 февралда уни раис қилиб сайлашди. Бунгача у бригадир, партия ташкилотининг котиби, агроном бўлиб ишлаб, раҳбарликда анча кўзи пишиб қолган эди. Ана шундан буён қирқ биринчи йил ўтяпти. Муттасил бир хўжаликка раислик қилиб келмоқда.

У раисликни қабул қилиб олганида колхознинг ҳеч воқоси йўқ эди. Ҳозирги кунда бу хўжалик республикага таниқли, иқтисодий бақувват, қишлоқлари кўркам ва обод янги турар-жойлар йил сайин кўпаймоқда. Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатувчи объектлар сони ортиб бораётир. Янги-янги мактаблар қурилди, боғча ясли бинолари ишга туширилди. Қишлоққа газ, водопровод суви келтирилди. Ҳаммаси меҳнатдан, ҳаммаси даромаддан, ҳаммаси тадбиркорликдан ва ташкилотчиликдандир. Нима бўлса халқимга бўлсин, халқим меҳнат қилгандан сўнг шунга яраша дам олсин, осуда ҳаёт кечирсин, дейди раис. Шу мақсадда кўп қулайликлар яратилмоқда. Хўжаликнинг ўзида колхозчилар ишдан бўш вақтларида, дам олиш кунларида сайр қилиб, ҳордиқ чиқарадиган боғ—кўл барпо этилди. Шу ерда фахрийлар, хизмат кўрсатган колхозчилар дам олиб, соғлигини тиклайдиган пансионат ишга туширилмоқда.

...Қирқ бир йил. Айтишга осон. Ана шу йиллар давомида жумҳурият, вилоят миқёсида не-не раҳбарлар билан ишлашга тўғри келмади. Ҳисоблаб чиқилса шу йиллар давомида район раҳбари ўн етти марта ўзгарибди. Лекин, уларнинг ҳар бири билан Сиддиқ ака тил топиша билди. Бу иш осон эмас. Ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди. Чунки, ҳар бир раҳбарнинг ҳам ўз феъли-атвори, дунёқараши, савияси, ўзига яраша бўлади.

Тўғри, шундай пайтлар ҳам бўлдики, янги келган раҳбарлардан айримлари Сиддиқ ака катта раислардан экан, у бир жойда узоқ ўтириб қолибди, деб унинг «шоҳи»ни қайириб, ўзларига бўйинсундириб, нима деса шунга кўнадиган қилиб олмоқчи ҳам бўлганлар. Лекин, раис, албатта, бунга йўл қўймади. Чунки, унинг тили қисиқ эмасди. Деҳқончиликни миридан-сиригача биларди. Нимаики иш қилса халқ билан, тажрибакорлар билан, кўпчилик билан маслаҳатлашиб қиларди. Шунинг учун ҳар қанча қидирсалар ҳам унинг ишидан қийтиқ тополмасдилар. Қайтага Сиддиқжон аканинг тадбиркорлиги-ю, тажрибакорлигига тан бериб, у билан биргалашиб, маслаҳатлашиб ишлашга мажбур бўлардилар. Бир йили, ҳатто, шундай ҳам бўлдики, раис ҳисобот йиғилишида уни қайириб олмоқчи бўлган раҳбар олдида сўзга чиқиб, икки қўлини кўксига қўйиб, астойдил ва самимий кўпчиликдан илтимос қилди. Энди ёшим анчага бориб қолди, кексайдим, ёшлар ишлашсин, менга рухсат беринглар, деб туриб олди. Лекин, мажлис аҳли ғалағовур кўтарди. Бу гапни ҳеч ким эшитгиси келмасди.



— Бундай гапни қўйинг, раис бува, сиз ҳали ишлашингиз керак. Бизга йўл-йўриқ кўрсатиб, маслаҳат бериб турсангиз бўлгани, буёғини бизга, шогирдларингизга қўйиб бераверинг.

Шогирдлар ҳам кўп. Улар билан ҳар қанча фахрланса, ишонса арзийди. Ана шулардан бири Нодир Боймуҳамедов эди. Бригадирликдан кўтарилди. Узоқ йил Навоий номли колхозга, сўнг «Ўзбекистон 50 йиллиги» колхозига раислик қилди. Хўжаликларни оёққа турғазди, иқтисодини мустаҳкамлади, яхши ном қолдирди.

Ферма мудирлигидан чўлда ташкил этилган қўйчилик совхози директорлигига тайинланган Аббосхўжа Бакиров ҳам хўжаликнинг номини бутун республикага ёйди. Лекин «чорва иши» кўп қатори унинг бошига ҳам талайгина маломатларни солди. Ҳақ ўз ерига қарор топди. Бугунги кунда у оқланди. Ҳозир хўжаликнинг чўлдаги қўйчилик фермасига мудирлик қилмоқда. Қисқа вақт ичида фермадаги ишларда тубдан ўзгариш қилди. Қўйлар сони кескин кўпайди, тўл олиш яхшиланди. Озуқа базасини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Набихўжа Мирзахўжаев ҳам Сиддиқ аканинг иқтидорли шогирдларидан. У узоқ йиллардан буён иссиқхонага бошчилик қилаяпти. Набижондан адолатли, ташкилотчи, кўпчилик билан ишлай биладиган раҳбар чиқишига ишончи комил. Шунинг учун ҳам Сиддиқжон ака дам олишга ёки узоқ сафарга отланганда бошқарувни унга ишониб топшириб кетади.

Мутал Муҳамедов кўп йил район партия контроли комиссиясига етакчилик қилди. Ҳозир у дам олишда. Ислом Баҳромов уста боғбон, ажойиб бригадир, кўп йил боғ бригадасига бошчилик қилди.

Акбар Сулаймоновдан ҳам умид катта. Ҳозир у раиснинг ўринбосари бўлиб ишлаяпти. Уқувли ёш. Шундай қарашингиздан нима демоқчи бўлганлигингизни билиб олади. Айтган ишингизни зиёдаси билан бажаради. Мен, дейди Акбар, Сиддиқжон акадек устозга шогирд бўлганлигим билан бахтиёрман. У кишидан бошқарувнинг сир-асрорларини астойдил ўрганишга ҳаракат қилаяпман.

Бошқарув эса, айниқса, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ғоят мураккаб иш. Кўп хўжаликлар ҳозир иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолган. Лекин бу хўжаликнинг чўнтагида эса 5 миллион сўм пули бор.

— Айни пайтда хўжалик инқирозга юз тутмаслиги учун қандай йўл тутиш керак?— сўраймиз раисдан.

— Бунинг битта йўли бор. У ҳам бўлса, етиштираётган маҳсулотингизни хом ашё сифатида сотмасликдир.

Хўжаликда бу соҳада ибратли ишлар қилинаётир. Икки-уч йилдирки, сут қайта ишланиб қаймоқ, сузма, қатиқ ва бошқа тайёр маҳсулот сифатида халққа етказиб берилмоқда. Ана шу ҳисобга қўшимча катта фойда олинаётир. Чорвачилик бу хўжаликда фойдали тармоққа айланиб қолганлиги боисидан бири ҳам шундадир. Узумни қайта ишлаб шарбат қилиб халққа етказиб бериш ўйланмоқда. Шу мақсадда завод қурилиши ниҳоясига етказилаётир. Хўжалик қўшни хўжаликларнинг узумини ҳам бу заводда қайта ишлаш имкониятига эга бўлади.

Музхона бор. Бу ерда сабзавот маҳсулотлари ва узум сақланиб, айни тақчил пайтда аҳолига етказиб берилади. Фирма дўконлари орқали сотилади. Ғишт заводи ишлаб турибди. Деҳқончиликда эса оила, пудрат, ижара усули қатъий йўл қилиб белгиланган. Хўжалик узумчиликда донг таратган. Шунинг учун ҳам келгусида колхозни асосан узум етиштиришга ихтисослаштириш мақсад қилиб қўйилди.

Иқтисод, тежамкорлик ҳар бир тармоқда тадбиркорлик, узоқни кўзлаб, фойдани ўйлаб иш олиб бориш хўжалик фаолиятининг асосий мағзини белгилайди. Бу йил ялпи даромадни 50 миллионга етиши кўзда тутилмоқда. Шундан 15 миллиони соф фойда бўлади. Колхозчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 1,5 минг сўмдан 3 минг сўмгача тўғри келяпти. Бу кам, албатта. Лекин, айрим қўшни ҳудудларда ойлик маошга пул топиб бераолмаётганликларини ҳисобга олсак, бу хўжалик имкониятлари катта эканлиги маълум бўлади. Йил охирига бориб, ҳозирги ойлик маошни икки бараварга оширишни мўлжаллаяптилар. Бунинг учун имконият бор.

Сиддиқ ака Республика халқ ноиби сифатида ҳам кўп ишларни амалга оширди. Хусусан, Ильич номли, «Ленинград» номли хўжаликлар, картошкачилик-сабзавотчилик илмий-текшириш институтлари ҳудудларидаги сайловчилари наказларини амалга ошира бориб қишлоқларга сув келтириш, газ билан таъминлаш ишига баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқда. Ҳар бир ойнинг маълум кунида қишлоқ кенгашларида навбати билан қабул ўтказадилар. Сайловчилар кўпинча кундалик учун зарур бўлган рўзғор маҳсулотлари — ун, гуруч ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари таъминотида узулишлар бўлаётганлигидан нолиб келадилар. Халқ ноиби шу жойнинг ўзида тегишли ташкилотлар билан телефон орқали боғланиб бўлса ҳам масалани ижобий ҳал қилиб бериш учун ҳаракат қилади.

Қуш уясида кўрганини қилади, дейдилар. Бувалари арвоҳи ёр бўлган, оталарининг ҳулқи-атвори, ҳаёт йўлидан ибрат олган фарзандлари удли-шудли, олий маълумотли, эл иши учун фидойи одамлар бўлиб етишдилар. Катта ўғли Содиқжон Тошкент ойнаи жаҳонида етакчи мутахассис, Собит— олим, геология фанлари номзоди. Комилжон — жарроҳ ва айни пайтда хўжалик ҳудудидаги касалхона бош шифокори. Сойибжон иссиқхонада газ соҳаси бўйича мутахассис. Катта қизлари Хотира филолог, ўқитувчи, Ҳафиза тикувчи. Турмуш ўртоғи Ҳадича ая фарзандларини оқ ювиб, оқ тараб вояга етказди. Ҳозир эр-хотин фарзандлар, бир этак невара-чеваралар оғушида.

— Мен ҳаётда нимага эришган бўлсам, бунинг учун энг аввало Ҳадича аянгизга раҳмат,— дейди Сиддиқ ака.— Менинг бахтим шундаки, худо мени эрни одам қиладиган аёл билан юз кўриштирди. Минг қатла шукр, бунга.

Ана шундай пайтда Ҳадича ая ўнғайсизланади.

— Жуда ошириб юбордингиз, дадаси,— дейдилар бош эгиб.— Мен аёллик вазифамни бажараяпман, холос.

Аёллик вазифаси деганда албатта улар бурчни назарда тутадилар. Бурчни эса ҳар ким ўзича тушунади. Ҳар ким, ҳар бир касб эгаси эл, жамият олдидаги бурчни тўғри англаса, унга садоқат билан муносабатда бўлса, албатта, у ўзини ҳам, элини ҳам, халқини ҳам ва оиласини ҳам бахтиёр қилади. Мен республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими, уста деҳқон ва боғбон, ажойиб ташкилотчи ва тадбиркор инсон Сиддиқ ака Муҳаммаджонов ҳақида ўйлаганимда, қани энди ҳамма ҳам бурчга у киши сингари садоқат билан муносабатда бўлса, деб ният қиламан. «Соғ бўлинг, кўп яшанг, раис бува», деб айтгим келади.

Носир РИХСИЕВ.

ЖАМОА МУҲОФАЗАСИ ЙЎЛИДА

ҲОЗИРГИ иқтисодий қийинчиликлар, нарх-наво тобора ошиб бораётган шароитларда жамоани, ҳар бир ишчи-хизматчини моддий муҳофаза қилиш катта муаммо бўлиб қолди. Бунинг учун мавжуд имкониятларни қидириб топиб ишга солиш, барча омиллардан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир. Шундай қилинсагина жамоа муқим бўлиб қолади. Акс ҳолда ишчи кучи қўнимсизлиги кучайиши мумкин. Тажриба буни яққол кўрсатиб турипти.

Шунинг учун ҳам Янгийўлдаги дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмасида бу масалага эътибор тобора кучаймоқда. Корхона маъмурияти, касаба уюшмаси қўмитаси ва бошқа жамоат ташкилотлари ишчи-хизматчиларнинг турмушини оз бўлса ҳам осон қиладиган, оғирини енгил қиладиган имкониятларни ишга солиш билан муттасил шуғулланмоқдалар. Албатта, бу кўп жиҳатдан жамоанинг ўзига ҳам боғлиқ. У бир маромда ишласа, давлат режаларини муваффақиятли уддаласа бундан уни ижтимоий муҳофаза қилиш учун қўшимча маблағлар ажратиш мумкин бўлади.

Бирлашмада ишлаб чиқаришни ташкил этиш, илғор иш усулларини қўллаш ва замонавий технологияни жорий қилиш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар ҳам шу мақсадга қаратилгандир. Қатор ишлаб чиқариш бўлинмаларида такомиллаштириш юмушлари олиб борилмоқда. Замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилаяпти. Иш маданиятини ошириш, техника хавфсизлигини таъминлаш, ишчи-хизматчиларнинг унумли ва самарали меҳнат қилиши учун ёрдам берадиган чоралар кўрилмоқда.

Жамоанинг давлат режаларини муваффақиятли уддалаш, жонажон республикамизнинг мустақиллик куни муносиб меҳнат совғалари билан нишонлаш юзасидан қилаётган фидокорона меҳнати таҳсинга сазовор бўлмоқда. Ишнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари ой сайин яхшиланмоқда. Бу бошқа техник-иқтисодий кўрсаткичларнинг ортишига олиб келаяпти.

Бирлашма жамоаси эришаётган ютуқлар салмоқли бўлаётганлиги ва ундан аввало ўзи манфаат кўраётганлигидан далолат берувчи кўплаб рақамларни келтириш мумкин. Аввало маҳсулот ҳажмини олиб кўрайлик. Корхона қуввати бир кеча-кундузда 225 тонна ун ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Амалда эса бу кўрсаткич анча ортиғи билан удданланмоқда. Ҳар куни қўшимча ўнлаб тонна ун маҳсулотлари тайёрланяпти. Пировард натижада бу катта меҳнат ютуқларининг негизи бўлмоқда.

Ишчи-хизматчилар шу йилнинг ўтган олти ойини яхши якунладилар. Давлат режаси барча асосий кўрсаткичлар бўйича тўла ва зиёдаси билан бажарилди. Новвойхоналар ва савдо шахобчаларига етказиб берилган маҳсулот ҳажми 43 минг 192 тоннани ташкил этди. Бу эса режада белгиланганидан 5 минг тонна кўпдир.

Жамоа фақат ун ишлаб чиқариш билан чегараланаётгани йўқ. Айни вақтда омухта ем тайёрлаш суръатлари ҳам ошириб бориляпти. Бунинг учун махсус цех ташкил этилган. Унинг ишчи-хизматчилари ҳар ойда район давлат ва жамоа хўжаликлари ҳамда хонадонлардаги чорва молларига бериш учун мўлжалланган юзлаб тонна омухта ем ишлаб чиқармоқда. Бу муҳим чорва озуқаси тайёрлаш бўйича режалар ҳам зиёдаси билан бажарилаётганлиги таҳсинга сазовордир. Ўтган ярим йил давомида мижозларга етказиб берилган омухта ем ҳажми режадаги 8471 тонна ўрнига 9100 тоннани ташкил этди. Айни вақтда маҳсулот сифати яхшилигидан, меҳнат унумдорлиги тинмай ортиб бораётганлигидан ҳам анчагина қўшимча даромад олинмоқда.

Ярим йил давомида юзларча миллион сўмлик дон маҳсулотлари қайта ишланди. Олинган соф фойда миқдори эса 22 миллион сўмни ташкил этди. Бу маблағнинг асосий қисми жамоани ижтимоий ҳимоя қилиш, унинг турли талаб ва эҳтиёжларини қондиришга сарфланмоқда. Ҳозирги вақтда корхонада уй-жой муаммоси тўла ҳал қилинди, деб бемалол айтиш мумкин. Чунки кейинги йилларда ҳам бундай қурилишларга маблағ бериш тўхтатиб қўйилгани йўқ. Иқтисодий қийинчиликларга қарамай олинган фойданинг муайян қисми шу мақсад учун ажратилмоқда. Бундан икки йил муқаддам бир йўла 32 нафар ишчи-хизматчи оиласи уй-жой билан таъминланган эди. Шу йилнинг март ойида яна ўнлаб оилалар уй тўйлари ўтказдилар. 25 хонадон янги турар-жойларга кўчиб ўтишди.

Жамоани муҳофаза қилиш юзасидан бошқа чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ёрдамчи хўжаликнинг ташкил этилиши айни муддао бўлди. Чорва молларидан олинаётган маҳсулотлар ишчи-хизматчиларга арзон нархларда етказиб берилмоқда. Ҳозирги вақтда бу хўжаликда 100 бош қорамол бўрдоқига боқиляпти. 10 бош соғин сигир ҳам бор. Улардан соғиб олинган сут ишчи-хизматчиларга берилмоқда. Вақти-вақти билан гўшт ҳам тарқатиляпти. Албатта, бундай чорва маҳсулотларининг нархи бозордагидан анча кам бўлмоқда. Бирлашмада новвойхона ҳам ишлаб турипти. Бу ерда ёпилган бўрсилдоқ нонлар ошхоналарга, ишчи-хизматчиларнинг дастурхонларига ҳам етказиб берилмоқда.

Бу ерда маошни ошириш тамойили мунтазам давом этмоқда. Нарх-навонинг ортиши ҳисобга олиниб, иш ҳақи кўпайтириляпти. Ҳозирги вақтда ойликлари ўртача ҳисобда 4—4,5 минг сўмни ташкил этиб турипти. Ҳар бир ишчига тушлик учун ҳар ойда 200 сўмдан ёрдам пули берилмоқда. Бундан ташқари, уларнинг чорва моллари учун омухта ем сотиш ҳам йўлга қўйилган. Ҳар чоракда ишчи-хизматчиларнинг чорваси учун арзон нархда 50 тонна атрофида шундай маҳсулот ажратиляпти. Бирлашмада кўп йил меҳнат қилиб, нафақага кузатилаётган меҳнат фахрийларига мукофот пули тариқасида бир йўла тўрт ойлик маош пули берилмоқда.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Жамоани муҳофаза қилиш юзасидан амалга оширилаётган бундай ишлар кўп жиҳатдан корхона раҳбарлигининг тадбиркорлиги, ишлаб чиқаришни пухта йўлга қўйиши, ишчи-хизматчиларнинг ўз меҳнатига нисбатан меҳрини кучайтирганлиги натижаси, дейиш мумкин. Маъмурият, бирлашманинг бош директори Муҳибилла Мамажонов бу ишни ўзларининг энг муҳим вазифалари деб билмоқдалар, шу мақсад йўлида зарур бўлган барча ишларни қилмоқдалар. Ишлаб чиқариш, меҳнат интизомининг мустаҳкам бўлишига эришмоқдалар.

Ҳаммага маълумки, интизом бор жойда муваффақият ҳам бўлади. Корхонада илгаригидек ишёқмасларга ўрин йўқ. Жамоа уларнинг баҳридан аллақачонлар ўтган. Ҳар бир ишчи-хизматчи ўз вазифасига сидқидилдан ва виждонан муносабатда бўлади. Кўпчилик манфаати йўлида фидокорлик намуналарини кўрсатмоқда. Бундан эса, аввало, уларнинг ўзлари манфаат кўрмоқдалар.

Бирлашмада ишлаб чиқаришни кенгайтириш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Бу ерда янги маҳсулот турларини тайёрлаш йўлга қўйилади. Шу кунларда макарон цехини барпо этилмоқда. Бу ерда зарур асбоб-ускуналарни ўрнатиш ниҳоясига етказилмоқда. Цех ишга тушгач ҳар куни меҳнаткашлар эҳтиёжлари учун тонна-тонналаб макарон маҳсулотлари етказиб бериладиган бўлади. Бирлашманинг Чиноздаги тармоғида бир кеча-кундузда 100 тонна унни ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган цех маҳсулот бера бошлади. Бу билан бу район меҳнаткашларининг энг зарур бундай озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлаш сезиларли даражада яхшиланди.

Жамоа эришаётган ютуқларни ишлаб чиқариш илғорларининг меҳнатисиз тасаввур қилиб бўлмайди, албатта. Бирлашма бўлинмаларида ўз касбини пухта эгаллаган, бу соҳада катта тажриба орттирган ўнлаб, юзлаб ишчи-хизматчилар меҳнат қилмоқда. Шундайлар ҳақида гап кетганда биринчи навбатда А. Ҳуснидинов, А. Жабаев, Л. Смотрова, Р. Ҳасанова, П. Смотров, Ж. Йўлдошев ва бошқа шу каби ўнлаб ишлаб чиқариш илғорларининг номини тилга олишади. Чунки улар зиммаларидаги вазифани бажаришда ҳаммага намуна бўлишяпти. Жамоа ютуқларига муносиб ҳисса қўшиб, ҳамкасбларининг ҳурмат-эътиборини қозонмоқдалар. Шу кунларда республикамиз мустақиллигининг бир йиллигини муносиб нишонлаш юзасидан тобора авж олаётган меҳнат беллашувида ҳам пешқадамлик қилишяпти. Ҳа сафида шундай жонкуярлар, фидокорлар бўлган жамоа ҳар қандай марраларни муваффақиятли эгаллайверади.

А. РИХСИБОЕВ,
«Янгийўл» рўзномаси ходими.

НОДИРА ТАВАЛЛУДИНИНГ 200 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЎЗБЕК адабиётининг йирик намояндалари ҳамиша эзгу мақсадлар билан ҳаётга зийнат бахш этиб келганлар. Улар кишиларни ҳаёт машаққатларини енгишга, уфқ ёғдуларини кўзлашга илҳомлантирганлар. Муқаддас урф-одатлар, инсоний қадриятларни эгаллашга даъват этганлар. Бундай ижодкорлар сирасида Нодира ва Амирий каби ўзбек шоирларининг ҳам мўътабар номлари бор. Лекин шу кунларгача шоира Моҳлар ойим—Нодиранинг завжи Амир Умархон — Амирий адабий мероси етарлича ўрганилмади. Эндиликда Амирий меросига янгича назар ташлаш вақти етди. Шу мақсадда жамоатчи мухбиримиз, адабиётшунос ВАЛИЕВ Баҳодир Ҳабиб ўғли таниқли нодирашунос олима, филология фанлари доктори Маҳбуба ҚОДИРОВА билан Нодира ва Амирийнинг ҳаётий ва ижодий муносабатлари хусусида мулоқотда бўлди.

МОҲЛАР ОЙИМ ВА АМИР УМАРХОН

Б. ВАЛИЕВ:— Маҳбуба опа, Қўқон адабий муҳити доимо ўзбек адабиёти тарихида ёрқин бир саҳифани ташкил этиб келган. Улуғ ўзбек шоираси Нодира даврида ҳам бу адабий муҳит анча равнақ топган эди. Зеро, Қўқон хони Амир Умархон — Амирий замонида бу ерда ҳамма соҳа ижодкорларининг кўплаб тўпланганлиги ҳам шундан далолат беради. Бу ерга Марғилондан Увайсий, Намангандан Фазлий, Узлат, Нодир, Андижондан Нодира каби сўз усталарининг келганлигининг ўзини эслаш кифоя. Айниқса, Дилшод Барно каби шоираларнинг ўзбек ва тожик адабиётларини бир-бири билан боғловчи бўлганлиги, айни пайтда бу катта адабий муҳитда шоир Амир Умархоннинг ҳам ўзига хос ўрин эгаллаганлиги эътиборга лойиқ. Суҳбатимизни Умархоннинг қисқача таржимаи ҳоли билан муштарийларни таништиришдан бошласангиз.

М. ҚОДИРОВА:— Амир Сайид Муҳаммад Умархон — Амирий 1787 йили Қўқонда таваллуд топди. У мактаб ва мадрасаларда таҳсили давомида, айниқса, адабиётга катта қизиқиш билан қаради. Ўзбек ва тожик адабиёти намояндаларининг адабий меросини қунт билан ўрганди.

Амирий Қўқон хонлари сулоласидандир. Шунга кўра унинг Қўқон хони сифатидаги фаолияти ҳаётининг муҳим бир қиррасини ташкил этади. У тахминан йигирма ёшларида Марғилонга ҳоким этиб тайинланади. Шу вақтларда у ўз қавмидан бўлган Андижон ҳокими Раҳмонқулнинг қизи Моҳлар ойим — Нодирага уйланади.

Умархоннинг ҳаёти Қўқон хонлигидаги уруш-талашлар кучайган, тахт даъвогарларининг ҳуружлари авж олган бир даврда кечди. Сарой ва унинг атрофидаги зиддиятлар, қон тўкишлар эса мамлакатнинг ижтимоий иқтисодий ва маданий ҳаётига салбий таъсир кўрсатаётган эди.

Умархон — Амирий ана шундай бир мураккаб шароитда 1810 йилдан эътиборан Қўқон хонлигини бошқаришга киришди. Бироқ у тахтга чиққандан сўнг ҳам мамлакат ҳаётида катта ўзгаришлар рўй бермаган бўлса-да, айрим XIX асрга оид тарихий манбаларда таъкидланишича, Умархон маданият ва адабиёт соҳаларига катта эътибор билан қараб, ҳомийлик кўрсатди.

Амирий 1822 йили 35 ёшида жуда эрта вафот этган.

Б. В.:— Амирийнинг ижод майдонига кириб келиши бизни қизиқтиради. Зеро, ўша даврларда ҳам Қўқон адабий муҳитида навоийхонлик, фузулийхонлик ва бедилхонлик каби адабий анжуманлар анча шуҳрат топган эди. Шуларнинг таъсири ҳам бўлгандир?

М. Қ.:— Ҳа, албатта. Юқорида айтиб ўтганимдек, у мактабда ўқиб юрган чоғлариданоқ адабиётга қизиққан. Амирий ижод майдонига қадам қўяр экан, Лутфий, Навоий, Фузулий, Бедил ва бошқа йирик Шарқ шеърияти намояндаларининг ижодий меросига катта қизиқиш билан қараб, улардан баҳраманд бўлди.

Мана, дориломон кунлар ҳам келди. Эндиликда адабий меросимизга эътибор кучайиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Амирий истеъдодли шоир бўлган. Яна ҳам аниқроғи, унинг давлат арбоблигидан шоирлиги устун туради.

Б. В.:— Амирий адабий мероси, хусусан, унинг қўлёзма асарлари ва девонлари бизгача етиб келганми? Мавжуд бўлса, улар қайси қўлёзма хазиналари ва жамғармаларида сақланади? Шоир адабий меросининг мундарижаси қандай?

М. Қ.:— Амирий ўзбек мумтоз адабиётининг ўлмас анъаналарини муваффақиятли давом эттириб, ўзбек ва тожик тилларида, бадиий ижоднинг бир қанча жанрларида қалам тебратган. У устоз сўз санъаткорларининг ғазалларига назиралар ёзди, мухаммаслар боғлади. Айниқса, Амирийнинг ғазаллари, туюқлари, мухаммас, мусаддас ва таржеъбандлари диққатга сазовордир.

Амирийнинг ўзбек ва тожик тилларида яратган асарлари девон ҳолига келтирилган. Айниқса, Нодира ҳомийлигида у қайта-қайта кўчирилган. Девон қўлёзмалари Ўзбекистон ва ҳатто чет элларда ҳам мавжуддир. Амирий девонининг литографик нашрлари эса Тошкент ва Истамбул шаҳарларида қайта-қайта чоп қилинган. 1972 йилда шоир асарларининг «Сайланма»си ҳам нашр этилди.

Амирий ўз асарларида Шарқ адабиётидаги долзарб мавзуларни давом эттирган. У ҳаёт ва инсон қалбининг гўзалликларини куйлаган. Бироқ Амирий девонидан ўрин олган асарлар ҳозиргача изчиллик билан ўрганилгани йўқ.

Б. В.:— Эндиликда Амирий асарларини чуқур тадқиқ этиш ишлари бошланиб кетса ажаб эмас. Зотан, унга кўпинча шоҳ ва сарой шоири сифатида қараб келинди. Бугунги ошкоралик сиёсатининг ва адабий меросимизга янгича қарашнинг шарофати туфайли Амирий асарларига ҳам эътибор кучаяди, деб умид қиламиз.

Маҳбуба опа, энди Моҳлар ойим — Нодира билан Умархон—Амирийнинг оилавий ҳаётига доир маълумотлар, айниқса, уларнинг ижодкор сифатидаги салоҳиятлари ҳақида суҳбатимизни давом эттирсак.

М. Қ.:— Бажонидил. Маълумки, Нодира ўз девонининг дебочасида ижод йўлидаги дастлабки пайтларда умр йўлдоши — шоир Амирий билан қилган шеърият хусусидаги мусоҳабалари ва мушоиралардан айрим лавҳаларни ёзиб қолдирган.

Б. В.:— Иложи бўлса, ўша манбалардан мисоллар келтирсангиз, муҳтарам муштарийларга анча қизиқ бўлар эди. Айни пайтда улар бу борада муайян тасаввур ҳосил қилишарди.

М. Қ.:— Марҳамат, мана, масалан; Нодира девонининг дебочасида шундай ёзув қолдирилган: «...То андак фурсатда шеър қоидаларига мувонасат пайдо қилдим, назм фунунига моҳир, мазмун сипеҳрида соҳир бўлдим. Ул ҳазрат тоза мазмунлардин бир мисра била савол тариқасида сўрар эдилар, филфавр охири мисра била жавоб айтур эрдим ва табиатларини хуш қилур эрдим. Бир куни савол қилдиларким, мисра:

— Нега арбоби хирад аҳли жунундин ори бор?

Жавоб айдимким, мисра:

— Ким булар урён, аларнинг жуббау дастори бор».

Бу ерда Амирийнинг берган шеърий саволига Нодира катта билимдонлик билан жавоб қайтарганининг шоҳиди бўламиз. Бу билан зукко шоира аслида одамларнинг ҳаммаси ҳам тенг, лекин уларнинг ташқи кўринишларидагина фарқ бўлиши мумкин, деган мўъжаз бир ҳақиқатни ифода этмоқда.

Б. В.:— Халқ ўз шоирасини жуда ардоқлар эди. Унинг латофати, гўзаллиги, бурро тили, ўткир зеҳни ва шеъриятдаги иқтидорини таърифлаб ҳар турли ривоятлар ҳам яратгани маълум. Сиз менга Амирийнинг бир мисрасига шоирлар орасида фақатгина Нодира муносиб жавоб топганлиги ҳақидаги ривоятни айтиб берган эдингиз. Ҳозир шуни яна бир бор эсласангиз?

М. Қ.:— Халқ орасида тарқалган ўша ривоятда Нодиранинг фикрий топқирлиги яққол намоён бўлади. Айни пайтда Амирийнинг ҳам шеъриятдаги иқтидори қанчалик баланд бўлганлигини кўрамиз. Мана, ўша воқеа:

Умархон-Амирий ўзи шоҳ бўлса-да, лекин ғам-ташвишсиз куни йўқлигидан ўкиниб, бунинг боиси не бўлса экан, деб ўйланиб бир мисра ёзибди:

— Ўзум шоҳман, шаҳзодаман, ғамим кўпдур, недандур бу?

Амирий шу мисрани айтибди-ю, кейинги мисра ҳеч тилига кела қолмабди. Шунда у саройдаги 40 та шоирни чақиртириб, бу сатрнинг давомини ёзишни буюрибди. Гап нимада эканлигини англаб етмаган шоирлар кўп уринишибди-ю, лекин ҳеч нарса ёзиша олмабди.

Орадан уч кун ўтибди, лекин шоҳ буюрган иш амалга ошмабди. Шунда шоҳ «Мен шу бир мисрани давом эттира олмайдиган шоирлар билан суҳбатдошманми?» деб уларга дағдаға қилибди. Бу хабар зудлик билан Нодирага етибди. У шоирлар тақдирига бефарқ бўлмасдан мушоирага келиб қўшилибди. Нодира Амирий томонидан битилган мисрани давом эттириб:

— Азалдин ғам туробида бино бўлган бадандир бу,— деб жавоб берибди. Бу ўринда ҳам Нодиранинг шеърий сатри Амирий саволига жуда ўринли ва бурро жавобдир.

Б. В.:— Нодира билан Амирий ўрталарида шеърий айтишувлар жуда кўп бўлган, дейишади. Ҳатто Нодира Амирийни улуспарвар бўлишга чақириб, насиҳатомуз мисралар айтган экан, шулар ростми?

М. Қ.:— Баҳодиржон, бу гапларда жон бор. Зеро, Нодира хонликда сарой ичкарисида яшаса-да, эл-юрт ҳаётидан анча хабардор бўлиб турган. У ўзининг адолатпарварлиги билан ҳукмдорлардан, шоҳдан халққа нисбатан хайру савоб, инсоф, меҳр-шафқат ва мурувват талаб қилган. Ҳатто юқорида сиз таъкидлаб ўтганингиздек насиҳатомуз мисралар ҳам айтган:

Масалан:

Бўйлаким, мумтоз эрурсан,
барча султонлар аро,
Шод қилғил бандаларнинг
кўнглини эҳсон этиб.

Ёки:

Фуқаро ҳолига гар
боқмаса ҳар шоҳ анга,
Ҳашмату салтанату
рифъату шон барча абас.
Шоҳ улдурки, раийятга
тараҳҳум қилса,
Йўқ эрса, қондан амну
омон барча абас.

Б. В.:— Кўринадики, Нодира билан Амирий жуда бахтиёр ҳаёт кечиришган экан. Тўғрими?

М. Қ.:— Тўғри. Лекин бу бахтиёрлик дамлари узоқ давом этмаган. 1822 йили шоиранинг ўттиз беш ёшлар атрофидаги умр йўлдоши Умархон бевақт вафот этади. Нодира кейинчалик ўша оилавий бахтиёр дамларини эслаб шундай ёзган эди: «Висол қасрида шодком ва мусоҳабат маснадида айшу-нашот бирла мутамаккин эрдим ва ул султоннинг давлати дийдориға масрур ва лиқосиға мағрур эрдим. Назм:

Эй хуш ул кунларки
васли базмида масрур эдим:
Шоду хуш ул кунларки
васли базмида масрур эдим;
Шоду ҳуррам давлати
дийдориға мағрур эдим».

Хассос қалбли шоиранинг мотам кунларида, ҳижрон аламларида ёзган ғазаллари, мухаммас, мусаддас, мусамман ва фироқномаларида унинг шикаста ҳолати акс этган.

Нодиранинг шеърларида вафо ва садоқат аёл қалби хазинасидаги дуру жавоҳирлар каби васф этилган:

Бўлса то умри ҳаётим
боқий,
Мени илкимдуру домони
вафо.

Умархон — Амирийнинг бевақт вафоти Нодира учун ҳаётнинг қаттиқ зарбаси бўлди. Шоира айрилиқ ва мотам кунларини жуда ошуфтаҳоллик билан ўтказди. Умр йўлдошига бағишлаб ёзган асарларида аёллик садоқатини изҳор этишга интилди.

Б. В.:— Лекин шу шеърлар менимча, шоиранинг бевақт вафот этган умр йўлдошигагина бағишланган бўлмай, умуман ҳаётнинг аччиқ-чучуклари олдида таслим бўлмайдиган аёллар қалби ғалаёнларининг манзаралари ҳам дейиш мумкин.

Кичик бир суҳбат доирасида икки улкан ўзбек шоирининг ҳаётий ҳамда ижодий муносабатлари ҳақида атрофлича фикр юритиш анча мушкул, албатта. Шунга кўра биз Нодира ва Амирий ижодий муносабатларининг баъзи бир қирралари хусусидагина суҳбатлашдик, холос.

Суҳбатдош ВАЛИЕВ Баҳодир Ҳабиб ўғли.

ҲАММАСИ БАЙРАМГА АТАЛГАН

«СОВПЛАСТИТАЛ» Ўзбекистон—Италия қўшма корхонаси яқинлашиб келаётган мамлакатимизнинг миллий байрамини муносиб кутиб олиш йўлида бир қатор амалий ишларни рўёбга чиқармоқда.

Байрамга бағишланган маҳсулотларнинг тури хилма хил: янги стуллар термаси, айём рамзи туширилган халталар, ўйинчоқлар ва ҳоказо. Мустақиллик куни муносабати билан ушбу корхонанинг фирма магазинидаги маҳсулотларнинг нархи 20 фоиз пасайтирилишининг ўзи ҳам халқимизга яхши совға бўлади.

Суратда: Динора Шоюпова (чапда) ва Галина Борзиловлар тайёрлаётган ҳамда намойиш қилаётган бу ўйинчоқлар фарзандларимизнинг дилларига қувонч бағишлай олиши аниқ.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ суратн. (ЎзА).



МУСТАҚИЛЛИК КИНОСОЛНОМАСИ

Ҳужжатли кино режиссёри Даврон Салимовнинг «Ўзкинохроника» студиясида суратга олган янги фильми «Истиқлол» деб аталади. Бу фильм республикамиз мустақил деб эълон қилинганидан кейинги бир йил ичида бўлиб ўтган воқеаларнинг солномасидир. Унда Ўзбекистон раҳбариятн республика биринчи Президентининг фармонларини бажара бориб аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида амалга оширган чора-тадбирлар ҳақида ҳам ҳикоя қилинади.

Янги фильм биринчи бор 31 август куни Тошкентнинг Мустақиллик майдони ёнида жойлашган «Нодирабегим» марказий кинотеатрида кўрсатилади. Шу тариқа республика шаҳар ва қишлоқларининг кинотеатрларида Ўзбекистоннинг ўтмишига ва ҳозирги кунига бағишлаб кинематографиячилар яратган асарларни намойиш қилиш бошланади. Бу асарларда ўрта асрлардаёқ ватан мустақиллиги ва равнақини орзу қилган аллома мутафаккирлар, шоир ва файласуфларнинг турмуши тасвирланган. Ўзига хос кинофестивал дастурига «Абу Али Ибн Сино», «Абу Райҳон Беруний», «Даҳонинг ёшлиги», «Алишер Навоий» ва бошқа машҳур фильмлар киритилган.

Давлат кинокомпанияси республика пойтахти аҳолиси ва меҳмонларини байрамона сийлашга қарор қилди. 31 август ва 1 сентябрь кунлари Тошкентдаги барча 27 та кинотеатрда кечқурун бепул кино қўйиб берилади.

А. ИВАНОВА, ЎзА мухбири.

МАДАНИЯТ МАСКАНИДА

«ОРОМ»ДАН ОРОМ ОЛАСИЗ

Мустақил Ўзбекистон республикаси байрамига кўҳна санъат масканларида хизмат қилиб, эл олқишини олаётган кекса устоз санъаткорларимиз қатори бадиий ҳаваскорларимиз ҳам концерт дастурларини тайёрламоқдалар. Бундай жамоалар орасида пойтахт С. Раҳимов районидаги кар ва соқовлар маданият саройининг бадиий ҳаваскорлик дастаси ҳам бор. Бу жамоани истеъдодли санъаткор Атҳам Муҳамедов бошқармоқда. Мазкур «Ором» эстрада ансамблининг якқахон хонандаси Қобилжон Иброҳимов бугунги кунда эл севган санъаткорлардан биридир. У ижро этаётган ёқимли қўшиқларида она диёрга муҳаббат, инсонга садоқат рамзи уфуриб туради. Қобилжон Иброҳимовдек яна бир иқтидорли хонанда Абдурашид Қорабоевнинг ижро этаётган қўшиқларида ҳам соф муҳаббат, нафосат мадҳ этилади. Дастаа аъзоларининг сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Уларга қулайликлар яратиб бераётган маданият саройи директори Фарида Паттиевадан барча ҳаваскор созанда, хонанда ҳамда раққосалар мамнунлар. Даста қатнашчилари райондаги 1-болалар интернати, ўйинчоқлар, пиллакашлик корхоналари ҳамда «Меҳржон» номли болалар маданият ва истироҳат боғида меҳнаткашларга маданий хизматлар кўрсатмоқдалар.

Абдулла ТОЛИПОВ, меҳнат фахрийси.

ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИНИНГ ТАДБИРЛАРИ

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ мустақилликка эришган кунининг бир йиллигини нишонлашга саноқли кунлар қолди. Ҳозир қайси бир ишлаб чиқариш корхонаси, маданий-маърифий жамоага борманг, ҳамма ерда ушбу байрамга қизғин тайёргарлик кўрилаётганининг гувоҳи бўласиз. Республикамиз зиёлилари, шу жумладан, ижод аҳлининг ҳам бутун фикру ўйлари бу тантананинг қизиқарли ва мазмунли ўтишига ҳисса қўшишга қаратилган. Шу борада биз Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг котибаси, шоира Гулчеҳра НУРИЛЛАЕВАдан жумҳуриятимиз мустақиллиги кунига мазкур уюшма қандай тадбирларни белгилаётганлиги хусусида сўзлаб беришини илтимос қилдик.

— Ёзувчилар уюшмаси ушбу санага катта тайёргарликлар кўраяпти. Мана бир, неча кунлардан бери Ўзбекистон Халқ-демократик партияси Марказий Кенгашининг ташаббуси билан ёзувчи ва шоирларимизнинг жойларда республика мустақиллиги кунига бағишланган учрашувлари ўтказилаяпти. Шундай мулоқотлардан бири яқинда Зангиота районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида бўлиб ўтди. Меҳнат аҳли билан бўлган бу мулоқотда мен билан бирга Ўзбекистон халқ ёзувчилари Шукрулло ва Ҳамид Ғулом қатнашдилар. Бундай ижодий учрашув жумҳуриятимизнинг бошқа вилоятларида ҳам ўтказилаяпти.

Бундан ташқари уюшмамиз яқин кунларда Тошкентда «Мустақиллик ва адабиёт» мавзуида катта анжуман ўтказишни белгилади. Бу анжуман Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номли Адабиёт институти, Тошкент Давлат дорилфунуни ва Адиблар иттифоқи билан ҳамкорликда ўтказилади. 1 сентябрь куни эса «Мустақиллик» деган хабарномани жумҳурият бўйлаб бепул тарқатишни мўлжаллаб қўйдик. Бу хабарномани чиқаришдан мақсад— ҳали халқ онгига тўлиқ бориб етмаган мустақиллигимизнинг моҳиятини тушунтиришдир. Режалаштираётган тадбирларимиздан яна бири, байрам куни бобомиз Алишер Навоий ҳайкали пойида «Мустақиллик мушоираси» уюштирилади.

Нодира таваллудининг 200 йиллиги, Ҳазинийнинг 125 йиллик тўйларини нишонлаш ҳам мустақиллик байрамига туташиб кетади. Биз Моҳлар ойим тўйига бағишланган «Нодиранинг қизлари» номли китоб тайёрлаб нашриётга топширганмиз. У тантана кунлари босилиб чиқиши керак.

Сентябрь ойида бўладиган муҳим тадбирларимиздан яна бири — бу ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган ижодкор ёшларнинг Дўрмондаги кўрик-кенгашидир. Маълумки, адабиётимизга катта бир тўлқин сингари ёшлар, янги овозлар кириб келаяпти. Бу навқирон авлод вакилларининг қўлёзма асарлари кенгашда таниқли ва тажрибали адиблар иштирокида атрофлича муҳокама қилиниб, чиғиридан ўтказилади. Ғолиб деб топилган ёшларнинг асарлари эса уюшмамиз томонидан нашр эттирилади.

Суҳбатни Б. ЖЎРАЕВА ёзиб олди.

• ЗАНГИОТА ТУМАНИДА

ШИРКАТДАГИ КИЧИК КОРХОНАЛАР

БУГУНГИ кунда қайнатма ва дудлама колбасаларнинг нархи осмонда бўлсада, савдода камёб ҳисобланади. Зангиота туманида эса шундай маҳсулотлар яқин орада кўпаяди, арзонлашади. Бу ердаги тайёрлов, сақлаш, қайта ишлаш ва савдо ширкати қошида ташкил этилган «Гўшт, парранда ва балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш» кичик корхонаси тез орада фаолият кўрсата бошлайди. Бу ерда колбаса учун ичакни махсуслаштирувчи ҳамда гўшт тозалаш, қиймалаш, пиширш жойлаш цехлари қурилган. Дудлаш учун эса алоҳида жой ажратилган. Шунингдек, бу кичик корхонада балиқ ва парранда гўштларининг дудламаси ҳам ишлаб чиқарилади. Директор З. Одилхўжаевнинг айтишича, ушбу корхонани бунёд этишда сарфланган ҳаражатлар 6-7 ой ичида қопланади.

Яна шу юқорида таъкидланган ширкатда ҳар бири 200 минг шўро «рубил»ига сотиб олинган ўн дона қоқи тайёрлаш аппарати кунига 1,5 — 2 тонна қуритилган мева-чева, сабзавот тайёрламоқда. Бундан ташқари қулупнай, шафтоли, гилос ва бошқа ноз-неъматлардан мурабболар, турли хил ичимликлар ишлаб чиқараётган консервалар цехида кунига 10 минг шартли банка ана шундай масаллиқлар дўконларга етказиб берилмоқда.

КОНФЕТ ВА НОВВОТ...

УЛУҒБЕК давлат хўжалигидаги йилига 5 миллион шартли банка шарбат, шароб, мусаллас ишлаб чиқарадиган корхона қошида кунига 45-55 килограмм конфет тайёрлайдиган цех иш бошлади. Қандолатчиларнинг айтишларига қараганда агар Ўзбекистонда шакар ишлаб чиқариш кўпайса, улар новвот, халва, пашмак, парварда каби миллий ширинликларни ҳам тайёрлашни йўлга қўйиш ниятлари бор.

«ДЎСТЛИК» ТОВУҚЛАРИ

ГФРнинг «Ломон» фирмаси шартнома асосида турли мамлакатларда гўштбоп товуқларни парваришламоқда. «Ломон» фирмаси билан имзоланган келишувга мувофиқ Зангиота туманидаги «Дўстлик» паррандачилик-наслчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам ана шундай товуқлар боқилмоқда. Ҳозирча товуқлар 40 кунда 2 килодан семиришди. Агар улар бир йил сақланса бормиз...

«БЎСТОН—УЛ—ОРИФИН»

«ЧЎЛПОН» нашриётининг «Мурод» фирмаси янги китоб чоп этди. «... Китобни одобга ва илмга ташна фарзандларимга бағишладим..., яъни илм ўрганиш, салом бериш, табобат, касб ўрганиш ҳамда ақл ва адабнинг алоҳида-алоҳида хусусиятларини кўрсатмоқни вазифа қилдим», дея таъкидлайди китобнинг муаллифи, буюк мутафаккир Абу Лайс ас Самарқандий. Замонасининг энг зукко, ақл ва адаб илмининг олими Фазуллоҳ Абу Лайс жаноблари ўз вақтида Самарқанд шаҳридаги Абу Лайс мадрасасида таълим олган Алишер Навоийни ўғилларидек бағрига босиб ҳурмат қилганлар. Чунки, бу табаррук хонадонда муқаддас китоблардан бири саналмиш «БЎСТОН-УЛ-ОРИФИН»га тўлиқ амал қилинган. Шул боис бўлса керак, бундан руҳланган Алишер Навоий кейинчалик «ХАЗИНАИ УЛ-МАОНИЙ» китобини битадилар.

Ўзининг «Хамса»дек шоҳ асари билан дунёга танилган Алишер Навоийни мафтун этган ушбу китобдан баъзи ибратли мисраларни келтириб ўтмоқчимиз.

«Билим олмоқ икки тоифага бўлунур, яъни: бири қалбан илмга ташналикдур, бу фойдали илмдур. Бундай илм киши ҳаётини то абад нурафшон қиладур. Иккинчи хилдаги илм эса фақат тилдагидур (яъни ўзини билағон қилиб кўрсатишдур)...» Ёки

«... Эй ўғил, фарзандингни тарбиялашдан аввал сен ўзингни тарбияла. Тарбия кўрган оилада тарбияли, фазилатли, билимли киши балоғатга етгай. Шундай нақл бор. Ўғрининг боласи тўғри бўлмас, агар ул ота фарзанди бўлса...»

«Бўстон-ул-о р и ф и н»да мана шундай панду насиҳатлар қуруққина баён этилмайди. Балки қизиқарли, таъсирли ҳамда ҳаётий тажрибалар асосида дунёга келган ҳикоятлар билан безатиладиким, бу ривоятлар айни кунларда ҳаммамиз учун ҳам асқотса ажаб эмас.

Хуллас, уйланиш шарти, оилада она ва аёлнинг ўрни, ота-онанинг тангри билан тенглиги, фарзанд тарбияси хусусидаги энг керакли маълумотларни ҳамда сизни қийнаётган баъзи саволларга жавобларни «Бўстон-ул-орифин»дан топишингиз мумкин. Зеро, Фазуллоҳ Абу Лайс ас Самарқандий бир ривоятдан сўнг: «Эй, ўғил, билим мисоли бир чашмадур. Уни сўнгги дақиқагача ич», дейдилар.

Ушбу китобни Музаффар Мирза нашрга тайёрлаган.

Шаҳло ОБИДОВА.

КОРХОНАДА ДЎКОН

Паркент шаҳридаги таъмирлаш ишлаб чиқариш корхонасига одамлар тез-тез ташриф буюришади. Чунки турли автомашиналарнинг эҳтиёт қисмларини ана шу корхонадан топиш мумкин. Келувчиларнинг вақтини тежаш мақсадида корхона маъмурияти улгуржи савдо дўконни очишга қарор қилди. Эндиликда корхонадаги ортиқча эҳтиёт қисмларини мижозлар бемалол дўкондан олишлари мумкин.

З. МИРОБИДОВА.

НАВРЎЗ ҲАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИДАН

САВОБ ИШНИНГ ЙЎҚДИР БАҲОСИ

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА эзгулик ва хайру саховат йўлида яна бир эҳсон сўқмоғи очилди. Президентимизнинг фармони асосида ташкил этилган республика «Наврўз» ҳайрия жамғармаси кенг кўламда фаолиятини бошлаб юборди.

Идора ходимлари тўпланишиб, ўз манзилгоҳларига биринчи кунда эшик тақиллатиб келган ногирон йигитга минг сўм инъом этишди. Зеро, олмоқнинг бермоғи ҳам бор. Ўзининг хайрли ишлари билан элга танилиб, бугунги кунда жамғармага раислик қилаётган Ўзбекистон халқ нонби, журналист Дадахон Ёқубов «Наврўз» телемарафонида халқимизнинг хайру саховатлари оқиб келаётганлигини тўлқинланиб гапирганидан кўпчилик хабардор. Эҳтимол, сизлар бу савоб ишга ўз ҳиссаларингизни қўшгансиз, балки кимлардир унга бефарқ қарагандир. Аммо халқимизнинг «Тома-тома кўл бўлар» деган нақли яна бир бор исботланиб, бугунги кунда жамғарма хазинаси миллионлаб маблағни ўз тасарруфида сақлаб турибди. Шундан кўпгина вилоят ва районларда янги тузилган ҳайрия ташкилотлари, ҳайру саховат йўлида бел боғлаган айрим ишбилармонлар, хуллас, қаддини тиклаб олиб, эл-юрт фойдаси учун жон куйдирадиган «Наврўз» жамғармасига сармоя қўшадиган ҳар бир ташаббускор ҳамкорлик қилмоқда ва унинг мададидан баҳраманд бўлмоқда.

Қани, айтинг-чи, қайси бир хайрия жамоаси фавқулодда кириб келган ногиронга минг сўм беради? Ёхуд мадад сўраб ариза ёзган етим-есирларга оғир кунларига ярасин деб соғин сигир ҳадя қила олади? Лекин «Наврўз» ҳам анойи эмас, хайру эҳсонини йўлини топиб, тежамкорлик билан қилади. Зотан, халқимизнинг ўзига раҳмат, биз, ўзбеклар — асли саховатли халқмиз. Лекин, ҳозир топганини босиб ётганлар ҳам оз эмас, Оқибатини ўйламай ўзгалар нонини туя қилиб ётган айрим кимсалар «Наврўз»дан ибрат олиб, гўзал амаллар қилишса кошки эди. Айтиш жоизки, жамғармамиз мавжуд сармояси билан ўзини тиклаб олишга уринаётган ҳар бир ҳожатмандга ҳомийлик қилолмагай. Вилоятлар ва шаҳару районларда ўз шўъбаларини очиш, ички ва ташқи иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш, бирни ўн, ўнни юз қилиш, миллёнларни милярдларга етказиш «Наврўз»чиларнинг истиқболдаги режаларидир.

Ҳадемай таваллудининг 200 йиллиги нишонланадиган элимизнинг ардоқли шоираси Моҳлар ойим-Нодирабегимнинг туғилган маскани — Ойим қишлоғини ободонлаштириш учун «Наврўз» юз минг сўм ҳайрия ажратди. Шунингдек бу йил нишонланажак шоир Ҳазинийнинг тўйига ҳам эллик минг сўм ҳадя этилди. Бундан ташқари, фаҳиру камбағал хонадонларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш йўли билан жамғармамиз улар дардига малҳам қўймоқда. Яқин кунларда Қашқадарё вилоятидан халқ ноиби Турсунов йўлланган мактубга асосан ўн беш, ҳатто ўн олти фарзандни тарбиялаган кўп болали оналарга мадад қўлини чўзмоқчимиз. Ҳайрия миллатидан қатъий назар, жумҳуриятимиз учун фарқи йўқ. Масалан, ўн олти бола тарбиялаганлар орасида овруполикларнинг ҳам исми-шарифлари бор. Жамғармамиз уларга фақат моддий ёрдам кўрсатиш билан чекланмайди. Уларни радиоэшиттириш, телекўрсатувлар ва киносанъати орқали ҳам ташвиқу тарғиб қилиб, ўзгаларга ибрат қилиб кўрсатиш ҳам бизнинг эзгу муддаоимиздир.

Жамғарма ходимлари боқимандаликдан маош олишмайди, балки ҳайрия йўлида топган маблағларининг маълум фоизинигина олиб, сармояни тўлдириб борадилар. Ўзбекистон Ногиронлар жамиятига ажратилган 3 миллион сўм республика мустақиллигининг бир йиллигига бағишланган ютуқли лотереяларга сарфланиб, мазкур жамиятнинг тикланиб олинишида муҳим ўрин эгаллади. Албатта, қаддини ростлаган ногиронлар қарзни қайтаришади. Аммо тадбиркорлик билан истифода этилса, бунча маблағдан қанча даромад тушишини режалаштириш мумкин. Топганнинг ҳалоли бўлсин! Шу боисдан ҳам «Наврўз»: халқимизнинг кўксига шамол тегсин, дейди.

О. БУРИЕВ.

САЁҲАТ ИШҚИБОЗЛАРИ УЧУН

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ВАҚФИДА САЙЁҲЛИК БЎЛИМИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН. У ҚУЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА ЧЕТ ЭЛ САФАРЛАРИНИ УЮШТИРАДИ:

	доллар	сўм
1. МАЛАЙЗИЯ	240	38000
2. ГФР	40	8000
3. САУДИЯ АМИРЛИГИ	180	38000
4. ГОЛЛАНДИЯ	120	15000
5. ЭРОН		19000
6. ТУРКИЯ Тошкент — Батуми орқали	50	22000
7. ПОКИСТОН	120	25000
8. ҲИНДИСТОН		45000
9. ПОЛЬША	36	4,800
10. ПОЛЬША	50	4,800
11. ПОЛЬША (автобусда)	5	5000

Маълумотлар учун телефон: 45-74-66.

(Ушбу эълон хайрия тариқасида бепул чоп этилмоқда).

ЭЪЛОН

Асалари павильони сотилади. Телефонлар: 46-75-86, 74-35-98 (хоҳлаган пайтингизда).



Бугунги кунда йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу борада Олмалиқ шаҳар ички ишлар бўлимининг Давлат автомобиль назорати инспекцияси жамоаси ибрат кўрсатмоқда. СУРАТДА: (чапдан) инспекция бошлиғи, милиция майори Ҳабибулло Назаров ДАН ходимлари Х. Холбоев, А. Жанаев, М. Содиқов ва Қ. Қобиловлар билан навбатдаги вазифалар тўғрисида суҳбатлашмоқда.

Х. МИРЗАКАРИМОВ

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРУВЛАР

«УЗБЕКСАВДО» УЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК УЮШМАСИ ҚОШИДАГИ ЖУМҲУРИЯТ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1992—93 ўқув йилига

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти юқори малакали сотувчи, назоратчи, кассир ва ошпазларни тайёрлайди.

III—IV даражали ошпазлик гуруҳига. Ўқиш муддати — 1 йил.

Саноат моллари сотувчиси гуруҳига. Ўқиш муддати — 1 йил.

Озиқ-овқат моллари сотувчиси гуруҳига. Ўқиш муддати — 1 йил.

1-3 ойлик шартлик гуруҳларга.

17 ёшдан 30 ёшгача бўлган қизлар қабул қилинади.

Ўқишга кирувчилар ташкилотлар томонидан берилган шартномага асосан қабул қилинади.

Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртини тугатганларга: «кичик сотувчи», «сотувчи», «назоратчи кассир», «ошпаз», деган малака берилади.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқувчилар стипендия билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳридаги йирик дўконларда олиб борилади.

Билим юртида ўқиш муддати меҳнат стажига киради.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: маъмурият номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, турар жойидан маълумотнома, таржиман ҳоли, 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома, 3×4 см. катталикдаги 6 дона сурат, ташкилотлардан шартнома.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент—700173, Акмал Икромов ноҳияси, Чилонзор мавзеси, Собир Юсупов кўчаси, 3-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: 75-35-86, 75-35-92.

4, 9-трамвайларнинг «Чопон-ота» бекати; 13, 70, 45м., 116-автобусларнинг «Тиббий тез ёрдам клиника касалхонаси» бекати.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар:

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ — 33-40-48.
ЭЪЛОНЛАР ВА ТИЖОРАТ БЎЛИМИ — 33-99-15.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: Г—284. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти—20.30. Босишга топширилди — 20.45. 31650 нусха босилади.